



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 13 сентябрь, чоршамба

№70 (11.255)

Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Мухтарам раис жаноблари!

Хурматли давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари!
Хонимлар ва жаноблар!
Мингйиллик Ассамблеясида сўзга чиқиш ва анжуманда муҳокама этилаётган глобаллашув даврининг асосий муаммолари нуктаи назаридан, бизнингча, гоёт муҳим аҳамиятга эга бўлган айрим масалалар ҳусусида тўхталиб ўтишга имконият берилгани учун миннатдорлик билдиришга ихозат этгайсиз.

Халқаро хавфсизлик ва барқарорлик муаммолари янги аср бўсағасида ҳамон жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Фарқ фақат шундаки, эндиликда "совуқ уруш" асоратлари, ҳуружлари ўрнига тинчлик ва барқарорлик таҳдид солувчи куч сифатида халқаро террорчилик ва экстремизм, таҳовузкор миллатчилик ва сепаратизм жаҳон саҳнасига чиқмоқда.

Ўзбекистон БМТ Фаолиятининг асосий тамойилларидан бири бўлган хавфсизлик ахлиятини тамойилини тўқил қўллаб-қувватлайди.

Бугунги кунда минтақалар хавфсизлиги ва алоҳида давлатлар миллий хавфсизлигини таъминлашга қўйиб, умумий халқаро хавфсизликка эришиб бўлмаслиги ҳаммага равшан.

Кимки қандайдир тор хавфсизлик қобилига ўралиб, бу Европа, Америка ёки бошқа бирон минтақага тааллуқли дея "ўзга" давлатлар муаммоларидан гўё четда туришга интилаётган бўлса, мавжуд воқеликдан тамоман йироқдир — бугун дунё мамлакатлари бир-бири билан узвий боғлиқ ва ажралмасдир.



лан узвий боғлиқ ва ажралмасдир.

Ҳаёт шунини кўрсатмоқдаки, алоҳида ҳудуд ёки давлатда давом этаётган урушлар, нисозлар, қарама-қаршиликлар аста-секин албатта бу доирадан чиқиб, моҳирлар гирдобига янги-янгидан ҳудудлар ҳамда кучларни тортиб олади, минтақаларо ва давлатлараро ҳусусият касб этади.

Булларнинг барчасини бугунги кунда халқаро террорчилик ва экстремизм кучларининг тарқалиши ҳамда таҳовузкорлик объектига айланиб бораётган Марказий Осиё минтақаси мисолида кўриш мумкин. Мазкур кучларнинг узоққа мўлжалланган режалари — минтақа давлатларини ўзидан-ўзи танланган демократик ва дунёвий тараққиёт йўлидан қайтариш, бу ерда клерикал-мустабид тузумларни ўрнатилган иборат.

20 йилдан ортиқ вақт мобайнида уруш давом этиб келаяётган Афғонистон бу таҳдиднинг асосий манбаи эканини исботлаб ўтиришга зарурат йўқ. Афғонистон ҳозирги пайтда халқаро террорчилик ва экстремизмнинг полигонига ҳамда

таъин базасига, миллиардлаб даромад келтираётган ва халқаро террорчиликни озиқлатиб турган дунё нарқотики ишлаб чиқаришининг асосий манбаи — фабрикасига айланган.

Афғонистон билан чегарадош ҳудудлар, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатлари юзлаб тонна опиум ва героинни асосан Европа ва Шимолий Америка мамлакатларига олиб чиқиш учун энг қисқа ва қулай йўللarga — коридорларга айланимоқда.

Шу биргина мисолда замонамиз воқелигининг икки

мудҳис ҳодисаси — халқаро террорчилик ва нарқобизнес ўзаро чирмашиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Ушбу юксак минбардан туриб мен БМТга, БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига, халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилмоқчиман: Афғонистонда давом этаётган уруш фақат Марказий Осиё минтақаси давлатлари хавфсизлигига эмас, балки бутун жаҳон хавфсизлигига ҳам таҳдиддир.

Афғон муаммосини тинч йўл билан тезда ҳал этилишини таъминлаш, жафокаш афғон халқига ўз замининда узоқ вақт орзиқиб қутилган тинчлик ўрнатилишига ёрдам бериш учун бутун имкониятларни ишга солиш зарур.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга доир барча ташаббусларни қўллаб-қувватлаган ҳолда шунини таъкидлаш истадимки, БМТ шафелиги остидаги "6+2" гуруҳига аъзо давлатлар томонидан 1999 йил июль ойида қабул қилинган "Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент декларацияси" ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда ва асосий қарама-қарши томонлар ўртасида музокара олиб бориш жараёни учун реал замин бўлиб хизмат қилиши мумкин.

БМТ доирасидаги сиёсий чоралар билан бирга ҳозирданок Афғонистонда нисозлардан сўнгги тинч ҳаётни ташкил этиш, уни иқтисодий ва ижтимоий тклашга доир кенг қўламли дастур ишлаб чиқиш зарур.

Хонимлар ва жаноблар!

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОНШУМУЛ ТАШАББУСЛАР ВА САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг "Мингйиллик саммити" деб ном олган сессиясида иштирок этди

БМТ ташкилий жиҳатдан барча халқаро ташкилотлардан устун туради. Асримиз бошида Миллатлар лигаси сифатида фаолият бошлаган бу ташкилот иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳозирги номини олди. Унга ўшанда 51 мамлакат аъзо эди. Ҳозир БМТ 188 мамлакатни бирлаштирган.

Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб одамларнинг ётигини қуритди. Шу боис, БМТ аввало урушларнинг олдини олиши керак. Бунинг учун дунёнинг барча нуқталарида мавжуд вазиятдан бохабар бўлиш, келиб чиқиши мумкин бўлган моҳирларни олдиндан кўра билиш, кескинликни юмшатиш лозим. Дунёда тинчликни шу орқали таъминлаш мумкин.

БМТнинг қолган вазифалари ҳам бевосита уруш ва тинчлик билан боғлиқ. Бу инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва мамлакатлар ривожини мувофиқлаштиришдир. Инсон ҳуқуқлари поймол этилган мамлакатда вазият бағрарор бўлиши қийин. Шу билан бирга, уруш бўлган жойда тинч аҳолининг жабр кўриши, яъни инсон ҳуқуқлари поймол этилиши муқаррар. Мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий тараққиётидаги тафовутлар ҳам

маълум даражада вазиятни издан чиқаради. Кучлироқ мамлакат камқувватроғи устидан ҳукм юриштириб интилади. Бир мамлакат бирор жиҳатдан бўйсундирилгандан кейин, кейингисига таъйиқ бошланади. Бу эса, қўл ҳолларда, катта галаёнларга, фуқаролар урушига, бир сўз билан айтганда, қуролли моҳирга олиб келади. Мисол сифатида Африка, Жануби-Шарқий Осиёдаги воқеаларни келтириш мумкин.

Ҳўш, шундай мураккаб шароитда дунёнинг энг катта ва энг нуфузли ташкилоти қандай йўл тутаяпти? Албатта, унинг фаолиятига оид талай ижобий томонлардан кўз юмиб бўлмайди. Тинчликни сақлаш миссиялари, очарчилик, қурғоқчилик ва бошқа офатлардан азият чекаётган мамлакатларга ёрдам, воситачилик, қочқинларнинг аҳолини яхшилаш, илм-фан, маданият, тарих, экология, иқтисод, молия, савдо-сотиқ соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишлар эътиборга лойиқ. Лекин БМТ ҳозирги замон талабларига тўла мос равишда ишлаш олаятимикин? Бу саволга ижобий жавоб айтиш қийин. Барча хайрли тадбирларни ёдда тутган ҳолда, БМТ ҳозиргача дунё халқлари қутган "нажот қалъаси"га айлана олмапти, дейиш мумкин. Бирор минтақа

ё давлатдаги муаммонинг ҳал этилиши ўша давлатнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиёти, жўғрофий ўрни, БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоларидан бири ё бир нечтаси билан қандай муносабатда эканлигига боғлиқ бўлиб қолди. Косовони олайлик. Мазкур ўлкада чиққан моҳир БМТнинг олдиндан ўтилмасдан ҳам тезда бостирилди. Савол туғилади: ҳўш, Афғонистонда давом этаётган йиғирма йиллик урушга барҳам беришга нега муносабат бошқача?

"Совуқ уруш" туганидан кейин инсоният энди хотиржам яшашга имкон пайдо бўлса керак, деб умид қилган эди. Сўнгги йиллардаги воқеалар хотиржамликка ҳали эрталигини кўрсатапти. Халқаро террор, фуқаролар урушлари авж олмоқда. БМТ бу муаммоларнинг олдини ололмапти. Сабаб нимада? Аввало, таъкидланганидек, айрим давлатларнинг ўз миллий манфаатини бошқаларникидан устун қўйишида. Кейинги сабаблар БМТнинг ташкилий тузилишига боғлиқ. Масалан, бирор муаммо бўйича қарор қабул қилиш керак бўлса, бундай жараён жуда чўзилиб кетади.

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ЯНГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ



АНГРЕН шаҳридаги собиқ ўзбек-турк лицейи ўрнида ёшларни педагогика соҳасига йўналтирувчи янги академик лицей иш бошлади. Бинони Тошкентдаги «Исфа-Сия» қурилиш компанияси бутунлай қайтадан таъмирлади.

Энди лицей талабалари учун ётоқхона қурилиши бошлаб юборилди. Унинг пойдевори тайёр бўлди. Бундан ташқари лицейнинг спорт мажмуи ҳам барпо этилади.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

ЗАРИФА — «КУТУБХОНА МАЛИКАСИ»

Юқоричирчиқ тумани марказий кутубхонасида анъанавий «Кутубхона маликаси» кўрик-танловининг «Соғлом авлод» йилидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

Унда ўзининг ҳар томонлама билимдон ва эзқилиғи билан «Тинчлик» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 13-сон шохобчаси кутубхоначиси Зарифа Эшова голиб деб топилди. Кўрик-танловнинг фахри иккинчи ва учинчи



ўринлари Белсенди кишлоғидаги 4-сон шохобчаси кутубхоначиси Дилфуза Эргашева ҳамда туман марказий кутубхоначиси услубийчиси Собира Айдароваларга насиб этди.

Латифжон МАНСУРОВ.

БАТАН АРДОҒИ



Яқинда Қибрай тумани марказий маданият уйининг ҳовлисида «Ўзбекистон кўшиқ байрами» эстрада гуруҳлари кўрик-танлови голиб

лари ва иштирокчиларининг ҳисобот концерти бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари шу кун «Бек», «Той», «Турон», «Феруз», «Файз», «Нихол» гуруҳлари ижро этган Батан, истиклол, дўстлик ҳақидаги кўшиқларни мириқиб тингладилар. Бундай ҳисобот концертларини вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Ўз муҳбиримиз.

«Президент кубоги — 2000»

«ЮНУСОБОД» КОРТИДА ЯНА КАТТА ТЕННИС МУСОБАҚАЛАРИ

11 сентябрь кунини Ўзбекистон пойтахтидаги замонавий «Юнусобод» спорт мажмуида «Президент кубоги-2000» анъанавий халқаро теннис турнири тантанали суратда очилди

ШУБҲА ЙЎҚИ, катта теннис спортининг чиройли, энг қизиқарли, энг нуфузли, шу билан бирга энг оммавий спорт турларидан бири эканлиги бутун дунёда эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7-анъанавий халқаро турнирининг тантанали очилиш маросимида сўзга чиқиб, унинг иштирокчиларини самимий қутлар экан, ушбу нуфузли мусобақаларда ўнлаб мамлакатлар теннис юлдузларининг иштирок этаётганлиги нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Осиё минтақасида катта тенниснинг жадал ривожланиши ва кенг оммалашувиға самарали хизмат қилиши шубҳасиз эканлигини алоҳида таъкидлади.

Етти йиллик — гоёт қисқа даврда мамлакатимизда тенниснинг беқиёс суръатлар билан ривожланганиги ва эндиликда Ўзбекистон теннис жаҳон майдониға чиқиб, ўзининг муносиб ўрниға эға бўлганиги юқоридаги фикрининг яққол исботидир. Бунини «Президент кубоги-2000» турнири муносабати билан шу кунларда юртимизда меҳмон бўлиб турган АТФ Тур ижрочи директори Марк Д. Майлс ҳам тан олди. У тантанали очилиш маросимида сўзга чиқиб, жаҳондаги бирорта мамлакатда тенниснинг Ўзбекистондагидек тез ривожланиши, оммавий тус олманганини эътироф этди. Шунингдек, у бундай муваффақиятларға эришишда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг хизматлари буюк эканлигини мамнуния билан таъкидлади ва кўрсатаётган бевосита амалий ёрдамлари учун самимий миннатдорчилик изҳор этди. «Дунёнинг бирорта мамлакатида шахсан Президентнинг умумий спортга бу қадар жиддий эътибор қаратгани ва чексиз



ғамхўрлик кўрсатганини эслай олмайман» деди у.

«I.T.P. Limited» президенти Сассон Какшурини Ўзбекистон Президенти кубоги учун ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро мусобақалар АТФ Тур сериясидаги жаҳоннинг 32 мамлакатида ўтайдиган 71та турнирнинг асосийлигини бири сифатида дунёдаги энг танқили теннис усталари эътиборини ўзига жалб этаётганлигини таъкидлади. Бу таърифда ҳеч қандай мунобаға йўқ. Чунинчи, «Президент кубоги — 1999» ўша 71та АТФ турнирлари орасида йилнинг энг яхши мусобақаси деб эътироф этилгани ҳам Сассон

Какшурининг ҳақ эканлигини даволатдир.

«Президент кубоги» халқаро турнири иштирокчилари сафини дунё теннис юлдузлари билан йил сайини тўлиб бораётгани бор гап. Газетанинг аввалги сонларидан бирида 7-анъанавий турнирда қорға чиқадиган номдор теннисчилар билан муҳлислари таништириб ўтган эдик. Улар турнирнинг бош совринини қўлга киритиш учун курашини бошлаб юбордилар.

Эслатиб ўтамиз: бу йилги халқаро турнирнинг умумий муқофоти 525 минг АКШ доллари миқдоридан белгиланган. Бу маблағнинг 70 миң доллари турнир голибига аталган.

Финал иштирокчиси эса 41 миңг 400 доллар олади. Умуман, финал учрашувларида қорға чиққан бирор теннисчи муқофотдан қуруқ қолмайди.

Турнирда Ўзбекистон теннис шарафини юртдошларимиздан Олег Огородов ва Вадим Куценко ҳимоя қилишди. Таъкидлаш жоизки, қўрға ташлаш чоғида Олег Огородовнинг омади қўришмади. У биринчи галаёқ бу йилги «US open» Америка очик чемпионатининг биринчи марта мутлақ голиби, россиялик теннис юлдузи Марат Сафинга қарши майдонға чиқадиган бўлди. Ушбу учрашув турнир жадвалиға қўра бугун бўлиб ўтади. Яна бир вақилимиз Вадим Куценко эса кеча исроиллик Жонатан Эрлич билан куч синашди.

Кеча бўлиб ўтган мусобақаларнинг иккитаси кескин ва муросасиз курашлар остида кечган бўлса, қолганларида қучилар нисбатан осонроқ галабаға эришдилар. Буюк Британиялик Грег Рузезки арманистонлик Саргис Саргсянни биринчи сетда қийналмай (6/3) енгган бўлса, иккинчи сетда анча куч ишлатишға мажбур бўлди (7/5).

Яна бир шиддатли кураш Жами Делгадо (Буюк Британия) билан Андре Са (Бразилия) ўртасида кечди. Уч сет давом этган беллашувада Ж. Делгадо 6/1, 5/7 ва 7/5 ҳисобида галабаға эришди. Ўз рақибларини осонинга мағлуб этган Давид Сангвинетти (Италия), Андрей Столяров (Россия), Антони Дупуис (Франция) навбатдаги босқичға йўллана олдилар.

Турнир қизгин паллага кирмоқда. Теннис муҳлисларини олдинда муросасиз ва чиройли беллашувлар кутмоқда.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ПСКЕНТ ТУМАНИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Шу йил 12 сентябрь кунини 11 қақирли халқ депутатлари Пскент тумани Кенгашининг навбатдан ташқари учинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала қўрилди.

Жўравой Деҳқонбоевич Миромиллов бошқа ишға ўтганимиз муносабати билан туман ҳокими

ми вазифасидан озод қилинди.

Илгари Пскент тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган Абдували Рашидович Гофуров Пскент тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессия ишида Тошкент вилояти ҳокими Умнат Мирзақулов сўзга чиқди.

СЎНГИ СИНОВДАН ЎТИЛДИ

Вилоятимиз далаларида пахта йиғим-терими бошланиб кетди. Ҳозирча ҳўжаликларда қўл теримини ташкил этишға алоҳида эътибор берилмоқда. Айни вақтда машина теримиға ҳам қизғин тайёргарлик қўрилмоқда.

Шу муносабат билан кеча — 12 сентябрь кунини Кўйичирчиқ туманида вилоят маҳанизаторлари ва мутахассисларининг терим техникаларини мавсумға тайёрлаш бўйича семинар машғулотини



бўлиб ўтди. Машғулотда 2000 йил мавсумида машина теримини ташкил этиш, техникалардан самарали фойдаланиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди ва тажрибалар алмашилди.

Ўз муҳбиримиз.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА



Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги шодивалари ортида қолган бўлсада, ушбу байрамға бағишланган турли тадбирлар давом этмоқда. Паркент тумани ногиронлар жамияти 7 ёшдан 17

ёшгача бўлган мажруҳ болалар учун уштираётган хайрия кечаси ҳам айнан шу санаға бағишлаб ўтказилди.

20 сентябрь кунини туман ҳокимияти залида ўтказилиши мўлжалланган тадбир мобайнида унинг иштирокчилари бир пиёла чой устида гурунглашиб, улар учун ташкил этилган концерт дастуридан баҳраманд бўладилар.

Шоира УБАЙДУЛЛАЕВА.

ШУНДАЙ ДЕЙМИЗ-У, ЛЕКИН ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ДЕГАНЛАРИДЕК, РАҲБАРГА ҲАМ ҚЎП НАРСА БОГЛИК. МАСАЛАН, ШИРКАТ, ПУДРАТ, ЧЕК УСУЛЛАРИ МАЪМУН-МОҲИЯТИНИ ҲАР БИР ПУДРАТЧИНИНГ ОНГИГА ТЎЛА СИГДИРИШ, АВАЛО, РАҲБАР ВА МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ВАЗИФАСИ.

Шунингдек, хўжалик бошқаруви билан тузилган шартнома бандларини ишлаб чиқишда ҳар бир пудратчи бевосита иштирок этиши ва ўз манфаатига зарар етмаганига ишонч ҳосил қилиши керак. Ана шунда шартнома хўжакурсинга бўлмай, ҳуқуқий ҳужжатга айланади, унинг бандлари ҳар икки томондан бекаму кўст бажарилади, оқибатда хўжалик ҳам, пудратчи ҳам иқтисодий Манфаат кўради.

Саидқамол Баҳромов йил бошида Оққўрғон туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги бошқарувига раис этиб тайинланганида юқоридаги мулохазалардан келиб чиқиб, ишга киришди. Бунинг учун унда билим, тажриба етарли эди. Қишлоқ хўжалик соҳаси бўйича туман ва хатто вилоят миқёсидаги раҳбар лавозимларда ишлаган. Бинобарин, туман ҳокимлигининг айнаи шу номзодни танлагани бежиз эмас. «Гулистон» кейинги йилларда ҳар жиҳатдан оқсба қолган эди. Сабаби – одамлар меҳнатлариға яраша ёлчиб ҳақ олмаганлари учун яхши ишламай қўйишган. Аҳолини ўнглаш учун ширкат хўжалигида пудрат ва чек усули риволандирди ҳажорий этилса шартнома ҳуқуқий қучға эға бўлиб, деҳқон меҳнатига яраша ҳақ олишини нафақат тушунтириш, балки, амалда кўрсатиш зарур бўлади.

Янги раис шунга интиди. Галланиликда бунга эришди ҳам. Утган йили ҳосилдорлик 30 центнерга кам етмаган бўлса, бу йил салкам 38 центнерга кўтарилди. Бу эса деҳқонларға 50 тонна буғдойни бепул тарқатиш имконини берди. Бундан ташқари талабдорларға 150 тонна буғдой таннарҳда сотилди. Меҳнатлариға оладиган ҳақларини қўя турайлик, уларига ташиб олган буғдой ҳам деҳқонлар учун нақд даромад. Қолаверса, мана, пахта терими ҳам бошланди. Пудратчилар оила аъзолари билан ўзларига қарашли майдонда ҳар

Қишлоқ ва ислохот

қин бўлган яна бир муаммони мулоҳаза тариқасида ўртага ташлади. Маълумки, ширкат хўжаликларида жорий этилган оила пудрати шароитида сарф-харажатларнинг чек усули қўлланилади. Пахта майдонларини пудратчиларға бўлиб бериш пайтида бировға яхши, бировға эса ёмонроқ ер тушиб қолиши мумкин. Бинобарин, бир пудратчининг ери яхлит бўлса, иккинчисиниға ўқариқлар олинад.

Хосил, вази тош босадиган. Иккинчидан, сувсизликча чидамли. Хуллас, бу йил пудратчилар умид билан меҳнат қилишди. Далаларда ҳар йилгидан баракали ҳосил тўпланди. Ўтган йили ҳосилдорлик 27 центнердан бўлиб, шартнома режаси ўчма-ўч бажарилганди. Бу йил 30 центнерни мўлжаллашяпти. Аммо бу масала ҳал бўлди деган гап эмас. Масъулиятли дамлар энди бошланяпти. Теримни ушшоқлик билан ўтказиш чораларини кўриш керак. Хўжалик раҳбарлари бор имкониятларни ҳисоб-китоб қилиб чиқдилар. Ўзларида биттагина эски 17-ХВ терим машинаси бор. МТП лар берадиган машиналарнинг хизмат ҳақи анча қиммат, даромаднинг дурустгина қисмини ҳўлаб кетади. Шунинг учун кўпроқ машина олиб ишлатишдан наф йўқ. Демак, қўл теримига зўр бериш керак. Ҳар кунни қамда 2000 киши теримда қатнашса ҳамда МТП дан икита «КЕИС» ёлланса, даладаги ҳосилни 10 октябрдан кечикмай саранжомлаб олиш мумкин.

Бизнинг ҳисоб китобимизға қараганда қўл теримда 2200 киши қатнашишини таъминласа бўлади, – дейди раис. – Хўжалигимизнинг 640 нафар аъзоси бор, ушшомадан аҳоли ҳам 400 дан ошад. Тошкент туманидан мингга яқин хашарчи келиши қўлтиятпи, туманимиз ташкилотларидан ҳам ёрдамчилар чиқади. Ҳосил ҳам чакки эмас, биринчи теримдаёқ режани бажарсак керак, деб туримиз.

Мўлжални тўғри олган яхши, албатта. Мана қўл терими учун ажратилган майдонларда терим оммавий бошлаб юборилди. Ҳозирча пудратчилар оила аъзолари билан теримга чиқишяпти. Қуниға 100 килограммдан ошириб тараётганлар кўп. Суръат сусаймаса, хашарчилар ҳам етиб келишса, машиналар ишга тушса, хўжа раҳбарларининг режаси рўёбға чиқса, умид билан ишлаётган деҳқонларнинг ниётлари ижобат бўлса ажаб эмас.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ХЎЖАЛИКНИ БОР ЁКИ ЙЎҚ ҚИЛАДИГАН – ДЕҲҚОН

Агар у ширкат, пудрат, чек, шартнома нима эканлигини яхшилаб тушуниб олса, уларнинг ижросида панд еб қолмаса ишини дундириб, мўл ҳосил ундиради

тида беролмай, улар олдида ноқулай ахволда қолаёلمиз. Пудратчиларимиз гўзага ишлов бериш даврида бор-йўғи 6 ой ҳақ оладилар. Банклар шуняим етказиб беролмайди. Биз хўжаликда бўлган кунимиз айнаи шу муаммонинг устидан чиқдик. Навбатдаги ойлик маошнинг тарқатиш учун хўжаликка 2,5 миллион сўм керак экан. «Пахта-банк»нинг туман бўлими эса 500 минг сўмдан ортқ беролмайди.

– Бу пулни қайси пудратчиға етказаман, – дея қуянд раис. Раҳбарнинг қандай ахволда қолганини тушинса бўлади. Айтилик, пудратчи 5 гектар ер олган. Гектарига 1800 сўмдан қўл белгиланган. Демак пудратчи 9 минг сўм ойлик маош олиши керак. Аммо 500 минг сўм ҳаммага тенг тарқатилса, у 1800 сўм олади, ҳалос. Бу пулга рўзгор учун нимияним ҳарид қилса бўларди дейсиз. Энг ёмони шундаки, ойлик маошнинг тайини бўлмаса, пудратчиларнинг ишончи сўнади, шашти қайтади, ишдан пўтур кетади.

Раис пудратчиларнинг рағбатини сўндириши мумкин. Бундан ташқари талабдорларға 150 тонна буғдой таннарҳда сотилди. Меҳнатлариға оладиган ҳақларини қўя турайлик, уларига ташиб олган буғдой ҳам деҳқонлар учун нақд даромад. Қолаверса, мана, пахта терими ҳам бошланди. Пудратчилар оила аъзолари билан ўзларига қарашли майдонда ҳар

РИЗҚИМИЗНИ АСРАЙДИК

Давлат автомобил нazorати ходимлари ўзларининг бевосита вазибалари – ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш билан бирга бошқа жиноятларни аниқлашда, уларни фаш этишда фаол иштирок этишмоқда.

Бунга мисол қилиб, гиёҳвандлик билан шуғулланаётган, бу оғуни мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб олиб юришга интилаётган нопок шахсларни, қурол-яроғни ноқонунли сақлаётган фуқароларни аниқлаш ва бошқа бир қатор шу каби ишларни кўрсатиш мумкин. Бу ҳақда гапирар эканмиз, республикамиз ҳудудидан товар-

моддий бойликларни ноқонунли равишда олиб чиқиб кетишнинг олдини олиш борасидаги ишларға алоҳида тўхталмоқчимиз.

Ҳар кунни мамлакатимизнинг қўшни республикалар билан чегарадош ҳудудларидаги ДАН масканларида товар-моддий бойликларни қайриқонунли равишда олиб чиқиб кетаётган шахслар аниқланмоқда. Агар мисол-

ларға мурожаат қиладиган бўлсак биргина шу йилнинг 7 сентябрь кунни Тошкент вилоятининг чегара туманларида хизмат ўтаётган ходимларимиз томонидан 57300 сўмлик турли товар-моддий бойликлар республикамиздан ташқарига олиб

ДАН бурчаги

чиқиб кетилаётганида ушлаб қолинди. Ушланган нарсалар ичида 7000 сўмлик 60 литр бензин, 36000 сўмлик рангли металл ва 14300

сўмлик нон маҳсулотлари бор.

Бир кунлик маълумот. Энди бир ҳисоб-китоб қилиб қўрайлик. Агар ҳар кунни битта вилоятнинг ўзидан 57300 сўмлик турли хил товарлар бошқа республикага ҳудудига ўтиб кетадиган бўлса, бу рақам ўн кунда, юз кунда, бориинки 365 кунда қанчани ташкил этади. Агар бунга қўшни республикалар билан чегарадош бир неча вилоятларда ушланаётган маҳсулотлар нархини қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, қандай рақамлар келиб чиқишини ҳисоблаб олиш қийин эмас. Бу рақамларға, ноқонунли чиқиб ке-

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ТАШКЕНТ ҲАКИКАТИ



Жиноятчилик билан курашиш самарадорлиги

Ички ишлар вазирлиги Академиясида «Жамоатчилик хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчилик билан курашиш бўйича ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, сиёсатшўнос-лар, руҳшўнос-лар ва бошқа соҳа мутахассис-лари иштирок этди.

Анжуманда терроризм билан курашишнинг сиёсий-ҳуқуқий муаммолари, жамоатчилик тартибини сақлашнинг ташкилий, тактик, ижтимоий ва ахлоқий масалалари, ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш йўллари муҳокама этилди. Шунингдек, ҳуқуқбузарликка қарши курашиш ишлари таҳлил қилинган ўндан ортқ маъруза тингланди.

Анжуман иштирокчилари республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари таърибасидан, шунингдек, жаҳон амалиётида қўлланилаётган услублардан фойдаланиб, жиноятчилик билан самарали курашишга доир тавсиялар ишлаб чиқди.

(ЎЗА).

САРИҚ КАСАЛЛИГИДАН ЎЗИНГИЗНИ ВА ФАРЗАНДИНГИЗНИ САҚЛАНГ

Кўпчилик хали унитмаган бўлса керак 1997 йилнинг кузида юқумли хасталиклар шифохоналарида беморларга жой етмайдиган даражада сариқ хасталиги билан хасталанган беморлар кўпайиб, аҳоли орасида шов-шув пайдо бўлган эди. Аслида 1995 йилда бу хасталикнинг эпидемиологик жиҳатдан бундан ҳам юқори-роқлиги кузатишган эди. Бунда хатто ўлим ҳолатлари ҳам қайд этилган. Бугунги кундаги статистик маълумотлар юқумли сариқ хасталигининг жорий йилдаги мавсумдан ҳам юқори бўлаётганлигини кўрсатмоқда

Бу йилги эпидемиологик жараёнинг ўзига хос томонлари мавжуд. Аввало сентябрь ойида эмас, июль, жойиз бўлса май ойиданоқ кескин бўлаётганлиги кузатилади. Шу соҳа олимлари берган баъшоратга қараганда хасталик эпидемиологик жараёни юқори бўлиши аавалдан кутилган эди. Баъшорат ўз ибботини топти. Агар фақатгина Тошкент шаҳридаги вирус-ли гепатит кўрсаткичларини таҳлил этадиган бўлсак уни ўтган йилга нисбатан деярли беш баробарға ортганини кузатилади. Айрим туманларда бу хасталикнинг айнаи А тури бўйича саккиз хатто 10 баробарға ортганини кўрсатмоқда. Аввало эпидемиолог-ияи ўзига хос қонуниятлари бор. Қайси хасталик кескин кўтарилиса, ёки кескин қамайсана, кейинги йили уни кескин кўтарилиши ёки қамайиши кузатилади. Масалан, Яққасари туманида ўтган йилги кўрсаткич 16,8 бўлган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 172,7, хатто ўн баробардан юқорилиги кузатишмоқда. Бундай мисолларни Тошкент вилоятидан ҳам келтириш мумкин. Бунинг сабаблари нимада? Бу хасталикдан ҳимоялан-са бўладими, деган савол туғилиши табиий, албатта.

Аввало юқумли гепатит ҳам ифлос қўллар хасталигига мансуб бўлиб, шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя этадиган, санитария маданияти юқори бўлган одамларға ҳам бўлмаган хасталикдир. Айниқса, унинг А тури аксарият куз ва қиш ойларида кўп ўчрайди. Хасталикни ташки муҳитда чидамли вирус қақиради ва у фақат оғиз орқали тананга кириб, 20-35 кун, хатто ундан кўпроқ вақт ўзи ҳақида белги бермай қўлади. Асосан у жигар тўқимасида жойлашиб, унинг ҳужайраларини

Шифокор минбари

ди. Кейинчалик кўнгил айнаши, қайт қилиш кабилар қўшилиб, беморнинг сийдиғи кўнгир рангда, ахлати эса оқариши кузатилади. Вирус таъсиридаги захарланиш оқибатида бемор танасида аксарият ҳолларда кескин сарғайиш пайдо бўлади. Кўпинча врачға ана шунда мурожаат этишади. Хасталикнинг эпидемиологик жиҳатдан энг аҳамиятли жойи беморни аввалроқ, яъни сариқлик белгилари пайдо бўлмасдан олдин аниқлаб, уни жамоадан ажратиш лозим.

Бугунги кунда кимлар шу хасталик билан кўпроқ оғриётганлиги таҳлил этилганда, аксарияти ёш болалар эканлиги кузатишмоқда. Рўйхатға оли-наётган беморларнинг 80 фоизи 14 ёшгача бўлган болалар эканлиги, улар орасида асосан олти ёшгача бўлган гўдаклар бу хасталик билан оғриши ташвишли ҳол, албатта.

Бизнинг кузатишларимиз сентябрь ойининг охири, октябр ойидан бошлаб мактаб ёшидаги болалар орасида бу хасталик кескин кўпайиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Чунки шу чоққача ўқувчи ёшлар ора-

сидаги мулоқот бирмунча чегараланган эди. Ўқиш бошлангани билан бу тарқоқликча чек қўйилиб, улар орасидаги мулоқот даражаси анча ортди. Вирусли гепатитнинг айнаи қўпайган А тури ана ушбу мулоқот орқали юқиши маълум. Бугунги кунда ушбу мавзунини кўтаришимиздан мақсад ҳам шу.

Янги ўқув йили бошлангани биланқоқ барча туманлар Давлат санитария – эпидемиология нazorати марказлари ходимлари мактабларға чиқиб, бу хасталик ва унинг олдини олиш йўллари тўғрисида баҳоли қудрат тушуна бериш билан шуғулландилар. Бу яхши. Лекин бизнингча бу ўринда бир нарсა жуда муҳим. Ҳар бир инсон ёши, жинси ва мафқураси даража-сида бу хасталикдан қўтили-би унинг танасидан бошқаларға юқувчи бўлган вирус жуда кўп миқдорда ажрала бошлай-

Шунинг учун ҳам ҳамма жойда доимий олиб борили-ши зарур бўлган санитария тарғиботи тўғри йўлга қўйили-ши зарур. Бу борада мактаб ўқувчилари, болалар боғчалари тарбиячилар ва ота-оналарнинг ўрни тиббиёт ходимлариникидан ҳам юқори деб ҳисоблайман. Аввало бола овқатланишдан олдин, турли заруратлардан сўнг қўлини албатта ювиши, эпидемиологик мавсумда қайна-тилмаган сувни ичмаслиқ, ҳар қандай хасталик белгилари пайдо бўлиши биланқоқ шифокорға мурожаат этиш зарур. Шу борада бир нарсани таъкидлаб ўтишни жоиз деб ҳисоблайман. Мактаблар ва бошқа болалар муассасаларида ўша оддий шахсий ги-гиена қоидаларига риоя этиш учун бугун шариот мавжудми? Қўл ювиш учун мосламалар, дезинфекцияловчи моддалар захираси борми? Ўқувчиларға сариқ касаллигидан ҳимоя-ланиш тўғрисида етарли ту-шуналган бериб турилибди-ми? Агар биз айнаи шунини таъминласаккина «Соғлом авлод йили»даги эпидемик мавсум анча енгил ва юмшоқ кечи-шиға эришимиз мумкин.

Абдуҳаким САРИМСОҚОВ,
олий тоифали шифокор.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар одамлар воқеалар

ЭЙФЕЛЬ МИНОРАСИ АТРОФИДА

Францияда парижлик такси хайдовчилари нефть маҳсулотларининг нархи ошиб кетгани боис оммавий норозилик намойишлари ўтказмоқда. Уларни шаҳар ташқарисида хизмат қиладиган ҳамкасб-лари ҳам қўллаб-қувватлаётди. Хайдовчилар Эйфель минораси атрофидаги бир неча кўчаларни тўсиб қўйди. Намойиш ўткази-лаётган жойға қучайтирилган полиция ва жандармерия бўлиналари сафарбар этилди.

ШУБҲАЛИ ЖИСМ ПОРТЛАТИЛДИ

Англиянинг Брейнтри шаҳридаги мактабларнинг биридан қўлбола бомбаға ўхшаш шубҳали жисм топилгани сабабли полициячилар ушбу ўқув муассаси-дан мингга яқин ўқувчини хавфсиз жойға қўчирди. Ҳодиса юз берган жойға етиб келган минчани зарарсиз-лантирувчи махсус бўлинима ходим-лари мазкур жисмини портлатиб юборди. Полиция вакилининг таъкидлашича, жисм таркибида портловчи модда бор экан.

ЎТ ЎЧИРУВЧИ САМОЛЁТЛАР

2003 йилға бориб Россия фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўт ўчиришға мўлжалланган етти «Бе-200» русумли само-лётға эға бўлади. Улардан дастлаб-киси 2001 йилда вазирлик ихтиёри-ға топширилади. Мазкур русумдаги самолётларнинг ички бозордаги баҳоси 18 миллион АҚШ долларига тенгдир. Самолётлар хорижа 25 миллион долларгача бўлган нарҳда сотилади. Айни пайтда Франция «Бе-200» самолётига катта қизиқиш билдирмоқда.

ТАЛОНЧИЛАР ҚОЧИШГА УЛГУРДИ

Грузиянинг Туркия билан чегарасига яқин бўлган Ахалцх туманида беш нафар қуроллан-ган жиноятчи Боқудан Истанбул шаҳрига кетаётган йўловчи автобусни талади. Жиноятчилар йўлов-чиларни қўрқитиб, қимматбаҳо буюм-лар, беш минг АҚШ доллари ва йи-гирма саккизта уяли телефони тор-тиб олди.

Шундан сўнг жиноятчилар йўлда ке-таётган полиция машинасини тўхтатиб, Адиген тумани полицияси бошлиғи ва унинг хайдовчисини гаровға олди. Гру-зия полициясининг тезкор гуруҳи қўма-ги билан гаровдагилар озод этилган бўлса-да, жи-ноятчилар ўрмонға қочиб кетишға улгурди.

АҚЛИ НОҚИС ЭКАН

Жанубий Африка Республикасида мамлакат пре-зидентни қароргоҳлари ва мансабдор шахслар хавф-сизлигини таъминлашни қучайтиришға киришилди. Президент Табо Мбекининг Кейптаундаги қароргоҳи

«БОҒИ ЭРАМ»ДА ЯНГРАГАН ҚЎШИҚ

«Боғи Эрам» маданият ва истироҳат оромгоҳи пойтахтида энг сўлим гушлардан бири ҳисобланади. Унинг асим дарахтлар соясидаги сайр йўлчалари, боғлар ва катталар учун мўлжалланган турли аттракционлар, сув ҳав-заси шаҳар аҳолиси ва меҳмонларини ҳамиша ўзига жалб этиб келган.

Аммо, ҳар қандай боғ довуғини ёйдиган, унинг ном чиқаришига сабаб бўладиган нарса — унда ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларнинг мазмунан бойлиги, уларнинг тез-тез ва яхши тадорик қўрилган ҳолда ўтказиб турилишидир. Бу ерга ҳордиқ чиқариш учун келганлар дам олиш билан, бир қаторда ўзи учун бирор маънавий озуқа ололса, кейинги гал ҳордиқ манзилни ўзгартирмайди. Яна ва яна шу ерга келаверилади. «Боғи Эрам»да гилар буни яхши билишади. Шу боис бу ерда турли тадбирлар уюштириб туришга катта аҳамият берилди.

Ўтган яшанба куни ҳам оромгоҳнинг ташкилий тадбирлар ўтказиладиган томошагоҳи одамлар билан гажум бўлди. Бу ерда адабиёт ва санъат иқлосмандлари тўпландилар. Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг мусика бош муҳаррирлари ташаббуси билан уюштирилган мазкур кеча шоир ва дра-

матург Хайдар Мухаммад ижодига бағишланди. Унда машҳур ва ёш хонандалар ижросида шоир сўзларига басталанган қўшиқлар тинланди, драматургининг пойтахт театрларида саҳналаштирилган асарларидан парчалар намойиш этилди. Санъаткорлар ва ижодкор муҳлисларнинг дил сўзлари тинланди. Адиб шеърларидан намуналар ўқиган, унинг ҳаётига оид воқеалар ҳақида сўзлаган, бу ерда янграган қўшиқлар бас-такорлар ва уларнинг ижро-чилари номларини тўғри топа билган, умуман тадбирда фаол иштирок этган томошабинлар махсус ҳайбат томонидан ажратилган совринлар билан тақдирландилар.

Ўзоқ давом этган учрашув оқшоми адиб ва муҳлислар ўртасидаги савол-жавоблар билан ниҳонланди. Ўзбекистон халқ артисти Тўлқин Тожиёв ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашевлар олиб борган мазкур тадбир ёпиқ деб эълон қилинганидан кейин ҳам, вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамай, боғ саҳнадаги томошагоҳи томошабинлар тарқатмагани, адабиёт ва санъат ҳақидаги суҳбатлар анчагача давом этгани одамлар бу хил тадбирларга ташна эканлигини далолатидир. Демак, «Боғи Эрам» турли йўлдан бораётгани.

Шоира АБДУШОҲИДОВА.



ЯНГИ ДАРСЛИК ЧОП ЭТИЛДИ

Давлат таълими андо-залари ҳамда янги ўқув дастури асосида талайгина адабиётлар чоп этилиб, ўқув йилига тортиқ қилинди. Мактабларнинг бешинчи синфлари учун тайёрланган «Жаҳон тарихидан ҳикоялар» деб

номланган дарслик ҳам ўқувчиларга яхши совға бўлди. Жаҳон тарихининг муҳим йилномалари ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур қўлланма «Ватан тарихидан ҳикоялар» ўқув адабиёти билан бир вақтда ўқитилади. Уни

тузишда муаллифлар инсоният тараққиёти жараё-нлари билан боғлиқ сана-ларни яратиб алоҳида эътибор бердилар. Шунингдек, дарсликда мус-тақил Ўзбекистонимизнинг дунё ҳамжамиятида тутган салоҳияти, ўрни, халқаро алоқаларига ҳам кенг ўрин берилган. Мазкур китоб «Ўқитувчи» наш-риёти томонидан кўп нус-халарда чоп этилиб, рес-публикамиз мактабларига тарқатилди.



Барибир мен ютаман!

Дилшод АҲМЕДОВ олган сурат.

Наср

УЙҒОНИШ

Бутун ҳароратини ёз бўйи улашиб тугатган рангпар кўз қўйиши уфққа хорғинга бош қўйган. Олпоқ мезонлар чўзилиб ҳавода учиб юради. Кўчанинг икки четида қатор тизилган дарахтларнинг сап-сарик барглари чирт-чирт ўзилиб, чирирак бўлиб айланганча асфалт кўчага тўкилади.

Нодира шамол тўғитиб ташлаётган сочларини қўли билан маҳкам ушлаб борар-кан оёғи остида шитирлаётган барглarga қараб ўйларди: «Шамол аламини кимга сочишини билмай, газаб билан увиллаганича титраб турган сап-сарик барглари шохдан ўзиб олиб ерга улқотиради. Шўрлик барглар ҳавода чирирак бўлиб айланганча асфалт кўчага йиқилади ва қовурагаси синади. «Болаларини!...» — деб шивиллайди ер уларни баргига олишга интилиб, лекин асфалт йўл унинг қўлларини тўтиб қолди. Қўллари асфалтдан тешиб ўтолмаган она ер фарёд чекади. Оёқлар — нозиккина ва қўпол, шаҳдам ва таманно билан одимлаётган оёқлар баргларидагидек хотир-жамгина босиб ўтаверишади, ўтаверишади. Барглар эзилиб, устиларидан тинимсиз ўтаётган оёқ зарбларини бирозгина бўлса ҳам кайма-тириш умидида бир-бирлари-рининг баргига суқилишади, кўзларидан оқаётган ёш — зардоб, асфалт йўлга сингиб кетди. Лекин биринчи ёмғир ёғиши биланок, уларнинг кўз-ёшлари асфалтдан сизиб чиқиб, сарғиш рангли халқоблар ҳосил қилади. Чўнки, ҳатто асфалт ҳам кўз-ёшларига тоқат қилол-майди, уни баргиде сақлаш-ни истамайди...

Нодирани ҳавли бўлин-ди: кизик, худди шу ўйлаёт-ганларини бўёқда акс этти-ра олармикин? Ўзини қўйиш-га жой топплаётган шамол, кўз-ёши тўқатган сап-сарик барглар... Ажабо, Шамол нега газабланаётганикин? Зериккандимки? Ёки унга хиёнат қилишдимикин? Ким унга хиёнат қилиши мум-кин?...

Нодира Шамолнинг юзини тасаввур қилишга уринди: қуюқ қўшлари тўташиб кетган (қоши-нинг ўртаси тўташган одам жабдор бўлади, дейишади), кўзлари истехзо билан боқу-чи, бугдойранг юзиде қулди-ргичлари бор. Қизик, жабдор одамнинг юзиде қулдиригич-лари булармикин?.. Лекин, Но-

(новелла)

дир негидир Шамолнинг юзини бошқача тасаввур қила олмади...

Нодира уйга кириб келгани-да, ойиси билан буюиси айвонда чой ичиб ўтиришарди. У салом бериб, буюсининг ёнига чўкка-лади. Ойиси билан буюиси гўё гапни йўқотиб қўйгандек бир зум жим бўлиб қолишди.

— Ол, кизим, иссиқ-иссиқ чой ич, — деди нодира буюиси. — Сал мазанг йўқроқми, дей-ман?

— Йўқ, ўзим шундай, чарча-дим шеклими, — истар-истамас гап қотди Нодира пийёдагиде чойни хўплаб, ўрнидан турар-кан.

— Тўхта, — деди ойиси нега-дир тарадудланиб, — гап бор.

Нодира тўхта сабрсизлик билан ойисига тикилди:

— Ҳа?!

— Ўтир бу ёққа, — ойиси кўрпачага ишора қилди.

— Айтаверинг гапнингизни.

— Ўтир, дедим-ку сенга! — ойисининг овози бу сафар қат-тироқ чиқди.

— У ноллоқ қайтиб ўтирди-ю, ойисига саволмуз боқди.

— Энди ёш бола эмассан кизим, бунақа бемаза қилик-ларингни ташлагин, катталар бир нарса деганда қўлоқ со-лишни ўргангин...

Ойисининг ўзюкдан айланти-риб гап бошлашдан у дарров тушундики, ҳозир гапнинг учи яна турмушга қишқ масала-сига бориб тақалади.

— Ҳм-м, яна совчилар келиб-ди-да, — деди Нодира энсаси қотиб.

— Ҳа. Йигитни яхши дейи-шяпти, ўқимишли эмиш...

— Йўқ деб юборинг.

— Менга қара, сен қанақа кизсан ўзи?! — тутакиб кетди ойиси. — На биронотасига рози бўлмайсан, на ўзинг топақол-майсан! Тушунсан-чи, менинг ҳам оруз-хавас...

— Нима қилай ахир ҳеч ким-ни яхши кўролмасам?

— Топганинг нуқул: «Яхши кўриш, яхши кўриш!» Тавба, яхши кўрсанг, юлдуз олиб бе-рармикин? Мана, яхши кўриш-маган бўлсада, биз ҳам яша-ямиз-ку даданг билан!

Нодира ялт этиб буюисига қаради. Буюиси дастурхоннинг попуғини жимжилоғига химар-ганча, гўё мудраётгандек, ерга боқиб ўтирарди. Бундай гап-сўзлар вақтида доимо Нодира-нинг ёнини оладиган буюисини гапга аралашмаяптими, демак у ҳам ойисининг фикрига қўи-лар экан-да.

Нодира ойисининг панд-на-сихатлари-ю жаврашини охи-

ригача эшитиб ўтирмади, ўрнидан сираб туриб, ўз хонасига отилди. Тезроқ, тезроқ бу гаплардан ўзюкла-шиш керак. «Юлдуз олиб берармикин?», дейдилар-а! Севган одамнинг ёнингда бўлса, юлдузнинг қиммати қоладими? Бунга тушунти-ришнинг хожати бормикин?..

Йўқ, бундай олиб қараган-да, ойиси ҳам ўзича ҳақ. Турмуш қуриш керак. Лекин, учраган одам билан турмуш қуравериш, умр бўйи бирга яшаш ақлга тўғри келарми-кин? Майли, гарчи у дуч келган эмас-у, балки совчи-лар мактаганидек «ўқимиш-ли, яхши йигит» бўлса ҳам...

Нодира мольбертнинг ол-дида ўтириб, асабий титра-ётган бармоқлари билан буюклари тайёрларкан, бунга нима учун қилаётганини ўзи ҳам идорек этмасди. Мияси-да фақат бир фикр гужгон ўйнарди: нега уни ҳеч ким тушунмайди? Ойиси ҳам, адаси ҳам, «Шу ўйда қиз бор экан, деб эшитдик», деб қилиб келадиган совчилар ҳам. Ҳатто буюиси ҳам уша-ларнинг фикрига қўишяпти, шеклими...

Йўқ, бу ахволда жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Нима қилиш керак?

Нега у ҳеч кимни ёқтир-майди? Нега у Ширин Фар-ҳодни севганидек севолмай-ди? Нега у Лайли сингари қуйиб-ёнолмайди? Нега?..

Тўғри, у ҳамма билан яхши муомала қилади, уни яхши кўришади, атрофиде гирдиқапалак бўлишади. Лекин, у ҳеч кимга қўнғил қўёлмайди. Негалигини ўзи ҳам билмайди...

Тўсатдан кўз олдида ким-нингдир, эҳтимолки, боғи-на ўзи тасаввур қилган Ша-молнинг қиёфаси пайдо бўлди: қошлари қуюқ, туташ-ган, кўзлари қоп-қора, кир-ра бурун, ёноқларидаги қул-диригичларини кўрсатиб жил-майпти. Тасвир шунангиде тиник, жонли эдики! Тезроқ чизиш керак. Тезроқ! Нега, нега шовшилки керак? Бу кимнинг қиёфаси? Нима учун айнан шу қиёфани чизиши керак?..

Нодира калласида гужгон ўйнаётган «нега»ларга жавоб топиб улгурмасиданок, қўллари ҳаракатга тушиб кетганди. Эгчил бармоқлар-нинг ҳар бир ҳаракатидан кимнингдир юзи жонланиб боради.

Мухаббат Йўлдошева.

(Давоми бор).

АВАЗ ФЕРМЕР МАКТАБ ҚУРДИ

Охангарон туманидаги Октом қишлоғида фермер Авазхон Азимовнинг шахсий наблиги ҳисобига қурилган 150 ўринли мактабда дарслар бошланди.

Янги ўқув йилига бағиш-лаб ўтказилган маросимда Аваз фермер ўқувчиларга

дарслик ҳамда ўқув анжон-лари топширди. Шунингдек, уларни ҳар кун бепул ов-катлантриш, ўқитувчиларни эса маош билан таъминлаш-ни ҳам ўз зиммасига олди.

Н. ДУШАЕВ, ЎЗА МУХБИРИ.

Биласизми?

МИНГ БИР ДАРАҒА ДАВО

Пиёзнинг асл ватани Яқин Шарқ бўлиб, уни даст-лаб қадимги халдейлар ўстирган. Пиёз Яқин Шарқ-дан Мисрга тарқалган ва у ерда ўзининг шифобахшлик хусусияти билан танилган.

Кейинроқ бу ўсимлик Мисрдан Европага ўтади. Ривоятларда бир беш пиёз урушда жангини ҳалокат-дан сақлайди, деб нақл этилади. Ўша замонлардан бери пиёзнинг бир навига «қолиблар пиёзи» деган ном берилган. Ҳозир у ёввойи саримсоқпиёз деб аталади.

Ўрта аср шифокорлари пиёз хидининг ўзиёқ киши-ни касалликлардан сақлай-ди, деб ҳисоблашган. Зеро, пиёздан касаллик тарқату-чи бактерияларни ўлдиру-чи фитонцид моддаси то-пилган.

Пиёз қадимги юнонлар-дан қадимги славян қаби-лаларига ўтган. Ўша замон жодугарлари славян жанг-чиларига оқ йўл тилаб қолиш маросимида: «Агар



душманга дахшатли кўри-нишни истасанг, захарли илонни ўлдириб, чап этик қўнжиге сол, жангга кира-ётганда худди шу этик ичи-га уч бош пиёз сол» деган тавсия беришган.

Ҳозир ер юзиде пиёзнинг салкам 500 тури бор. Шунинг таҳминан 190 тури Ўрта Осиёда ўстирилади.

Абу Абд ибн Сино таъри-фига қўра, пиёз минг дард-га даводир. Халқ табобат-чилигида пиёз сувидан бош ва қулоқ оғриғини қолди-ришда, соч тўқилишининг олдини олишда, шунингдек, қон босими касаллигини да-волашда фойдаланишади.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади.

ЎТКИНЧИ ШАМОЛ...

ЭНИГА: 1. Мумтоз «Булбул»нинг тарихий

шоир Махмурнинг ҳажвий асари. 4.


Ўткинчи шамол. 9. Наркотик модда. 10.

Фожиали ҳалок бўлган Уэлс маликаси. 12.

Жума куни тўғилган киз. 14. Ўзбекистон-даги қўшма қорхона-лардан бири. 16. Қим-матбаҳо тош, кўк ёқут.

17. Уй пойгаги. 18. Бутун ер шари тасвир-ланган қоғоз. 19. Бир-рор мақсад учун сарфланадиган ҳара-кат. 23. Рангсиз, ўткир захарли газ. 24. «Гул ва Наврўз» достони муаллифи. 25. Сига-рета тури. 26. Зангла-майдиган металл. 29.

Ўйнашмагин... билан... 31. Мачиндошларга мансуб бир йиллик ўтлар туркуми. 32.



номи. 33. Узум навларидан бири.

БЎЙИГА: 1. Гео-

метрияннинг тарихий номи. 2. Ипак ўрама бел-

боғ. 3. Русиядаги сув ҳавзаси. 5. Замонавий чоғир. 6. Аёл исми. 7.

Жанубий Америкадаги давлат пойтахти. 8.

Бутун дунё вилаетаси. 11. Миср маликаси. 13.

Ракетанинг жанго-вар қисмидаги портла-тувчи модда. 14. Ер-нинг шимолӣ кутб вилаети. 15. Қиска,

кичик ҳикоя. 20. Аме-риканнинг машҳур эс-трада юлдузи. 21. Эсда сақланадиган таассу-рот. 22. Муз тоғи. 27.

Кир юви воситаси. 28. Халқ томонидан тўқилган оғзаки ҳикоя.

29. Мушкетёрлардан бири. 30. Юзига «пар-да торган» мева.

Тузувчи: Тоҳири УМАРОВ.

Шеърят

БАХТ ЕТАКЛАБ КЕЛДИ

Юр, дилбарим, субҳидамда,
Боғимизга булбул келди.
Қучоқ-қучоқ гул келди,
Бахт етаклаб дулдул келди.

Сочларинг бўлсин поёндоз,
Изат-икром кўрсатиб соз.
Унга тезроқ чиққин пешвоз,
Муаттарли сунбул келди.

Минг хил оҳанг-наво келди,
Обозамзамга тўйинган,
Роҳатжон ҳаво келди.
Дардга дармон даво келди.

Ўзига бек, ўзига хон,
Эрк қушим, эркин қушим.

Сен қалбларда бўлдинг сарсон,
Сенсиз бошдан учди хушим.

Сенга кимлар тош отмади.
Водийларда тонг отмади.
Сен ҳурликка содиқ-сафо,
Садоқатга қилдинг вафо.

Хуш келибсан, эрк-булбулим,
Сенга фидо жону дилим.
Қўшиғинга мен тўйин,
Тилларингдан ўргилайин!

Сайра қушим — иқбол-борим.
Шодликларга тўлсин боғим.
Қўшиғ ювсин гамлар доғин.
Мангу ёнсин бахт чироғим.

Насрмат ЁҚУБОВ.

*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*

ЧЕМПИОН ДАҒВОГАРЛАРДАН УЗОҚЛАШМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН IX миллий чемпионати олий табақа-сида иштирок этаётган футбол жамоалари навбатда-ги XXVII тур учрашувларини ўтказдилар. Фақат битта ўйинда ғалаба меҳмонларга насиб этди, бир учрашув дуранг натижа билан тугади. Дарвозаларга жами 37 тўп киритилди.

ОЛИЙ табақада чемпи-онларга хос ҳужумкор ўйин кўрсатиб, жадвалда якка пешқадамлик қилаётган «Дўстлик» бу гал ҳам анъ-анага содиқ қолиб, ғалаба-га эришди. Вакилларимиз «Пахтакор» жамоасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида муҳим уч очкони қўлга ки-ритдилар ва ўзларини таъ-қиб қилиб келатган «Са-марқанд» жамоасидан 5 очко, агар йўқотилган оч-колар бўйича ҳисоблайди-ган бўлса, 8 очко ўзиб кетдилар.

Ушбу турда вилотимиз-нинг яна икки вакили учун ўзаро куч синашишга тўғри келди. «Кимёгар» Ангрени-нинг «Семурғ» жамоасини қабул қилди. Чирчиқликлар турнир жадвалида рақибла-ридан анча орқада бўлиш-ларига қарамай, ютуқ учун астойдил қурашиб, мақса-дларга эришдилар 1:0.

Вилотимизнинг яна бир вакили «Металлург» ушбу тур учрашувини бироз ол-динроқ «Самарқанд» жамо-аси билан ўтказди ва ўйин-ни 1:3 ҳисобида бой бер-ди.

Турнинг қолган учрашу-вларида қўйидаги натижалар қайд этилди: «Бухоро» — «Насад» — 5:2, «Нефтчи» — «Хоразм» — 3:0, «Андижон» — «Турон» — 5:0, «Навбахор» — «Сўғдиёна» — 6:3, «Те-мирийўлчи» — «Гулистон» — 2:0, «Зарафшон» — «Трактор» — 1:2, «Қизилқум» — «Сур-хон» — 1:1.

Кеча олий табақада XXVII тур учрашувлари бўлиб ўтди.



«Дўстлик» «Семурғ»ни, «Ким-ёгар» «Пахтакор»ни қабул қилди. «Металлург» эса «За-рафшон»нинг меҳмони бўлди.

РЕСПУБЛИКА чемпионати-нинг биринчи табақасида ҳам навбатдаги тур учрашувлари ўтказилди. Эътироф этиш ке-ракки, бу тур вилотимиз ва-киллари учун омадсиз бўлди. «Ғазалкент» «Қосонсой» би-лан 1:1 ўйнаб, 16 ўринда қол-ган бўлса, «Рохат» (Қибрай тумани) Тўрақўрғоннинг «Ёшлик» жамоасига 2:0 ҳисо-бида ютқазиб қўйди. У жад-валда 8-ўринни эгаллаб ту-рибди.

Ташкент туманидаги «Охунбобоев» номли жамоа ҳўжалиги ширкат ҳўжалигига айлантирилиши муноса-бати билан

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой да-вомида қабул қилинади.

Бўка туманидаги «Қашқадарё» жамоа ҳўжалиги шир-кат ҳўжалигига айлантирилиши муносабати билан

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой да-вомида 36-961 рақамли телефон орқали қабул қили-нади.

Бўш вақтларда

Ташкент вилоти ҳокимли-ги иқтисодий ва статистика бош бошқармасига шаҳар ста-тистика бошқармаси томони-дан рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги 1995 йил 13 январ-да берилган 675-сонли ғувоҳ-нома йўқолганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ташкент вилоти ҳокими маҳкамасининг Маданият ишлари бошқармаси вилот-ий илмий услубий мадани-ят маркази. Вилот «Турон» кутубхонаси жамоалари бошқармасининг марказлаш-ган ҳисобхонаси бош ҳисоб-чиси М. Фанихўжаевага умр йўлдоши.

Нажми ҒАНИХЎЖАЕВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Саноатда ва қончилиқда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги жамоаси агент-лигининг магистрал газ қувурлари ва нефть қажо-лотлари билан таъминлаш қорхоналари назорати бўй-ча инспекциясининг давлат инспектори Шокиров Баҳо-дир Абдусаматовичга акаси

Жўрғабек АБДУСАМАТОВИЧ ШОКИРОВнинг вафот этганлиги муноса-бати билан чўқур таъзия изҳор этади.